

Салавоти шарифнинг фазилати

Image not found or type unknown



09:41 / 07.08.2024 2303

Аллоҳ таоло ҳеч нарсага, ҳеч кимга эҳтиёжи бўлмаган ҳолда, Ўз
Пайғамбари ҳазрати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга салавот
айтади, бас, бунга кўра, умматларининг ул зотга салавот айтмоғи нақадар
зарурдир. Чунки мўъминлар у зотнинг шафоатларига муҳтождирлар.

رَأْسَبُ نَبِّ دَمْحُمِ أَنْتَ دَح
نَبِّ دَمْحُمِ أَنْتَ دَح ، [رَأْدُنْبُ
يَنْتَ دَح ، ةَمِّيَعُ نَبِّ دِلَاخ

يُغْمَزُ لَأَبِ وَقَعَيْ نُبِ يَسُومُ
نُبِ هَلْ لَأَذْبَعِ يَنْتَدَحُ
نُبِ هَلْ لَأَذْبَعِ نَأْ، نَأْسِيْكَ
هَلْ لَأَذْبَعِ نَعِ، هَرَبْخَأِ دَادَشِ
هَلْ لَأَلُوسَرِّ نَأْ، دُوْعَسَمِ نُبِ
مَلَسَوِ هَيْلَعِ هَلْ لَأِيْلَصِ
مُويِ يَبِ سَأْنِ لَأِيْلَوَأْ: لَأَقِ
هَأَلَصِ يَلَعِ مُهْرَثْكَأْ، هَمَأِيْ قَوْلِ
»

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Қиёмат кунида инсонларнинг менга энг яқини менга энг кўп салават айтганидир» («Сунани Термизий», 352-боб, 484-ҳадис).

أَنْ رَّبْخَأِ، رُجْحُ نُبِ يَلَعِ أَنْتَدَحِ
نَعِ، رَفْعَجُ نُبِ لِيْغَمْسِإِ

نَعٍ، نَمْحَرْلَا دُبَعِ نَبِءَالَعْلَا
لِاقٍ، زَيْرُهُ يَبَأُ نَعٍ، هِيَبَأُ
هَلَلَا يَلَصِ هَلَلَا لُؤْسَرَلِاقٍ
يَلَصِ نَمٍ» : مَلَسَوِ هِيَلَعِ
هَلَلَا يَلَصِ، ءَالَصِ يَلَعِ
«أَرْشَعِ] أَوْبِ هِيَلَعِ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: **«Кимки менга бир салавот айтса, у туфайли Аллоҳ унга ўн салавот ёзади»**. («Сунани Термизий», 352-боб, 485-ҳадис, ҳасан-саҳиҳ).

Суфён Саврий ва кўп илм аҳлидан ривоят қилинади: **«Раббнинг салоти - раҳмат, фаришталарнинг салоти - истиғфордир»**.

Қуръони Карим тиловати ва Аллоҳнинг зикридан кейин ҳазрати Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга салавот айтиш энг савобли амаллардан ҳисобланади. Чунки бу Аллоҳнинг амридир. Шунинг учун солиҳ ва муттақий зотлар ўз тобеларига севикли Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга салавот айтишни кунлик вазифа ҳам қилиб берадилар.

Исмоил Ҳаққий Бурсавий айтадилар:

«Ҳадиси шарифда айтилади: «Менга салом берган ҳар бир мусулмон банданинг саломига алик олмоғим учун Аллоҳ таоло руҳимни менга қайтаради».

(Имом Байҳақий, «Шуъабул-иймон»; Имом Абу Довуд, қаранг: «Ал-фатҳул-кабир», 3/103).

Бу ҳадиси шарифдан чиқадиган хулосага кўра, ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам барзах оламида ҳаётдирлар. Чунки кечами, кундузми, доим ул зотга салом бериб турадиган бирор киши топилади. («Рухул-баён», 6-жилд, 479-саҳифа).

«Энг гўзал салавоглар» рисоласидан

Ушбу рисола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 29 октябрь 03-07/6661-сонли хулосаси асосида чоп этилган.